

Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш-асосий вазифамиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

Президентимиз И. А. Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ва 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаб, 2007 йилдаги муҳим ҳаётий ахамиятга эга бўлган устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олиш ҳақида гапириб ўтди. Биринчидан, деди Президентимиз, халқаро валюта жамғармасининг иқтисодиётимизнинг ўтган йили ривожланиш якунлари бўйича берган баҳолари яъни ялпи ички маҳсулотимизнинг юксак ўсиш суратлари олтин валюта захирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлигини таъминлайдиган экспорт ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада кўпайганлигини таъкидлаб ўтди.

2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7, 3 % ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10, 8 %, қишлоқ хўжалигида 6, 2 % га ошгани инвестицияларнинг 11, 4 % га ўсганлиги ҳақида гапириб, 2006 йилда иқтисодиётнинг ўсиши солиштирма нархларда олиб қараганда 2000 йилга нисбатан 45 % ни ташкил қилган. 2006 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2000 йилдаги 14, 2 ўринга 22, 1 фоизли хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30 % ўрнига 39, 5%ни ташкил этганлиги, қишлоқ хўжалигида эса бу кўрсаткич пасайиб 32 % дан 24 %га тушганлиги таъкидлаб ўтди.

Президентимиз ёқилғи энергетика мажмуаси ва рангли металлургия тармоқлари юқори суратларда ўсганлиги, ёқилғи энергетика мажмуасини ривожлантириш реконструкция ва модернизация қилиш учун 250. млн доллар ҳажмдаги сармоя жалб қилинганлигини таъкидлади.

Иккинчидан, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатганлиги ва 2006 йилда мамлакатнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 млрд. 140 млн АҚШ долларига тенг даражани ташкил этганлиги иқтисодиётга йўналтирилган сармояларнинг қарийб 50 % технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланганлигини айтиб ўтдилар.

Учинчидан, одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини ҳақллантиришга қаратиш ва чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда, уларнинг дунёқароши ўзгармоқда. Уларда

ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер сув ресурсларига маъсулият тежамкорлик фазилатлари номоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизда 90.000 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салкам 1, 4 млн киши меҳнат қилмоқда.

Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 % ини фермер хўжаликлари хажмига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 % дан ошиб кетганлигини таъкидлайди.

Президентимиз И. Каримов биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш хажми 31, 5 % га ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортганлиги, ташқи савдо айланмасининг ижобий савдоси йил давомида қарийб 2 млрд АҚШ долларига ўсганлигини айтиб ўтди.

Яна шуни таъкидлаб айтганларки, биз катта маблағ талаб қилмайлиган касаначиликни йўлга қўйдик. Жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналаридаги бекор ётган турли хил дастгоҳларни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бериб 60. 000 одам 60.000 оила қўшимча даромадга эга бўлганлиги, шу одамларнинг дунёқши ўзгарганлиги ва Ватан равнақига хисса қўшганликларини таъкидлади. Президентимиз бугунги кунда мамлакатимизда вақтинчалик ишларда банд бўлганлар сони салкам 300.000 кишини ташкил этганлигига 560.000 дан зиёд киши ёки меҳнатга лаёқатли фаол аҳолининг қарийб 5 % ишга жойлашишга муҳтож эканига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги айтилди.

«Хомийлар ва шифокорлар»йили дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 млрд сўм бюджет маблағи 51. млрд сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, хомийлар маблағи сарфланганлиги айтилди.

1997-йилдан касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа тармоқлари учун қарийб 600.000 малакали ёш кадрлар тайёрланганлиги биргина 2006 йилда 8.000 ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70.000 ўринли 124 та касб-хунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди.

8, 7 млрд сўмлик ва 15 млн АҚШ доллари миқдоридagi ўқув лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантиришга дастурга мувофиқ 2006 йилда 61 та Янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди.

Фарзандлари келажagini ўйлаб яшаш ўзбек миллатига хос фазилат.

Тайёрловчи: Б. Якубов.